

Риёзус солиҳийн шархи / Риёзус солиҳийн шархи / 306-ҳадис

306 - وَعَنْ أَبِي حَفْصٍ عُمَرَ بْنِ أَبِي سَلَمَةَ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَبْدِ الْأَسَدِ رَبِيبِ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: كُنْتُ عُلَمَّاً فِي حِجْرِ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، كَانَتْ يَدِي تَطِيشُ فِي الصَّحْفَةِ، فَقَالَ لِي رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «يَا عُلَمَّاً؛ سَمِّ اللَّهُ تَعَالَى، كُلُّ يَمِينِكَ، كُلُّ حَمَّا يَلِيكَ» فَمَا زَالَتْ تِلْكَ طِعْمَتِي بَعْدُ. مُتَّقِقُ عَلَيْهِ. [خ 5376، م 2022].

و «تطيش»: تدور في تواحي الصحفة.

306. Абу Ҳафс Умар ибн Абу Салама Абдуллоҳ ибн Абдул Асаддан розияллоҳу анҳу ривоят қилинади.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қарамоғларидағи бола эдим. Құлым товоқда изғиёттан эди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам менга: **«Хой бола! Аллоҳ таолонинг исмини айт, ўнг қўлинг билан егин ва олдингдан егин!»** дедилар. Шундан бүён ана шундай таомланаман».

Мұттафақұн алайх.

Шарх: Ушбу ҳадиси шарифнинг ровийи Умар ибн Абу Салама розияллоҳу анҳу Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўгай ўғиллари бўлган. У Умму Салама онамизнинг аввалги эрлари Абу Саламанинг ўғиллари бўлиб, отаси вафот этиб, онаси Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга турмушга чиққанларидан кейин Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг

қарамоғларида ўсганлар. Бу ҳақда у кишининг ўзлари:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи вассалламнинг қарамоғларидаги бола эдим», демоқдалар.

Албатта, турмуш тақозоси ила бир уйда яшаганларидан кейин бир дастурхонда овқатланганлар ҳам. Ўшанда ёш бола бўлган Умар ибн Абу Салама розияллоҳу анхунинг қўллари таомнинг яхшисини, қўпроғини излаб идишнинг ҳамма томонига бориб-келган экан.

«Кўлим лагандада бориб-келар эди».

Бу ҳолни кўрган Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи вассаллам унга таом тановул қилиш ҳақида таълим бердилар:

«Эй ғулом! Аллоҳнинг исми ила, ўнг қўлинг ила, ўзингта яқиндан егин!» дедилар».

Демак, исломий одоб бўйича таом ейишни бошлаганда «Бисмиллаҳи»ни айтмоқ керак, таомни ўнг қўл билан емоқ керак. Ҳар ким ўз олдидан емоғи керак.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи вассалламнинг бу гапларини Умар ибн Абу Салама жон, деб қабул қилдилар ва унга умр бўйи оғишмай амал қилдилар. У ҳақда ўзлари:

«Шундан сўнг менинг емоғим худди ўшандоқ бўлиб қолди», дейдилар.

Худди шу набавий тавсия ҳамма мусулмонларга ҳам таълим бўлди. Ҳамма мусулмонларнинг емоғи худди ўшандоқ бўлиб қолди.

Ушбу ҳадиси шарифдан олинадиган фойдалар:

1. Катталар ёш болаларга таом тановул қилиш ва шунга ўхшаш ишларда исломий одобларни ўргатиб боришлари зарурлиги.
2. Таом тановул қилишни «Бисмиллаҳ»ни айтиб бошлаш зарурлиги.
3. Таомни ўнг қўл билан емоқ кераклиги.

Чунки, чап қўл тозаланишга ишлатилади. Афсуски, кўпчилик, ҳатто, кап-каптта одамлар ҳам бу нарсани билмайдилар. Баъзида жуда ноқулай ҳолатларга тушиб қолинади.

4. Таомни ҳар ким ўз олдидан емоғи кераклиги.

5. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламдан етган ҳар бир ҳукмни мусулмон одам ўзи учун қонун-қоида қилиб олмоғи лозимлиги.

Манба: hadis.islom.uz

